

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

МАМАТОВ Акмалжон Анваржонович

“Агробанк” АТБ HR департаменти

бошқарма бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13234242>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ БАЗАСИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Депозитлар тижорат банкларининг актив операцияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади ва банклар мажбуриятларининг таркибида сезиларли даражада юқори салмокни эгаллайди. Шу сабабли, тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бироқ, талаб қилиб олинadиган депозитлар беқарор пассив ҳисобланади, шу сабабли, уларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлиши тижорат банкининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит базасининг етарлилигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Мақолада Ўзбекистон тижорат банкларининг депозит базасини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, депозит, талаб қилиб олинadиган депозит, муддатли депозит, фоизли спрэд, фоизли маржа, даромад, кредит портфел, фоиз ставкаси.

МЕТОДЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАКТИКИ УПРАВЛЕНИЯ ДЕПОЗИТНОЙ БАЗОЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

АННОТАЦИЯ

Депозиты являются основным источником финансирования активных операций коммерческих банков и занимают значительно больший вес в структуре пассивов банков. Поэтому укрепление депозитной базы коммерческих банков является одним из необходимых условий укрепления их ресурсной базы. Однако депозиты до востребования являются неустойчивыми пассивами, поэтому их высокий вес в объеме валовых депозитов оказывает сильное негативное влияние на ликвидность коммерческого банка. Это, в свою очередь, порождает необходимость обеспечения достаточности депозитной базы коммерческих банков.

В статье выявлены проблемы, связанные с совершенствованием практики управления депозитной базой коммерческих банков Узбекистана, и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: коммерческий банк, депозит, депозит до востребования, срочный депозит, процентная спред, процентная маржа, доход, кредитный портфель, процентная ставка.

METHODS OF IMPROVING DEPOSIT BASE MANAGEMENT PRACTICES OF COMMERCIAL BANKS

ANNOTATION

Deposits are the main source of financing the active operations of commercial banks and occupy a relatively large share of the entire structure of banks' liabilities. Therefore, strengthening the deposit base of banks is one of the prerequisites for strengthening the resource base. However, demand deposits are unstable liabilities, therefore, their high specific share in the volume of gross deposits generates a strong negative impact on the liquidity of a commercial bank. This, in turn, necessitates the need to ensure the adequacy of the deposit base of commercial banks.

The article identifies current problems associated with improving the practice of managing the deposit base of commercial banks in Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words. commercial bank, deposit, deposit to demand, urgent deposit, percentage spread, percentage margin, income, credit portfolio, percentage rate.

Қирши

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлаб асосида сотиш, ҳамда, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилишорқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари қилиб белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг ресурс базасини, шу жумладан депозит базасини бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради [1, 2, 3].

Айни вақтда, республикамиз тижорат банкларининг ресурс базасини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи 3,5 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги даврда, республикамизда тижорат банклари кредитларининг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, кредит рискини баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш, кредитларнинг баҳоларини барқарорлигига эришиш, кредитларнинг ресурс таъминотини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш, кредит олувчиларнинг дефолт рискини баҳолаш аниқлигини ошириш, банкларнинг кредитлаш фаолиятини инновациялар асосида ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Ф.Мишкиннинг (2017) хулосасига кўра, капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли бўлганлиги сабабли, улар, депозитлар ва бошқа жалб қилинган ресурслардан фойдаланишга ҳаракат қилишади.

Ҳақиқатдан ҳам, тижорат банкларида регулятив капитал молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатлар тижорат банкларининг пассивлари ҳажмида капитал нисбатан кичик салмоқни (7-8 %) эгаллайди.

И.Ларионова (2018) трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғини банкларнинг депозит базасининг етарлилигини баҳолашда инobatга олиш зарур, деб ҳисоблайди ва мисол тариқасида АҚШдаги “НАУ” ҳисобрақамларини келтиради. Мазкур ҳисобрақамларнинг қолдиғига бозор ставкаларида фоиз тўланади.

Е.Мешкованинг (2016) фикрига кўра, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлашда уларнинг мажбуриятлари таркибида ҳисобга олинadиган қимматли қоғозлар, жумладан, депозит ва жамғарма сертификатлари муҳим ўрин тутди.

Б.Бердияровнинг (2020) хулосасига кўра, Тижорат банклари бирламчи захираларнинг ўсиш суръатини депозитларнинг ўсиш суръатидан ортда қолмаслигини тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Россиялик таниқли иқтисодчи олим, академик О.И.Лаврушин (2004) тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлари салмоғининг юқори ва барқарор бўлишини уларнинг депозит базасини мустаҳкамлашнинг зарурий шarti деб ҳисоблайди ҳамда муддатли депозитлар ва жамғарма омонатларга нисбатан муҳим хусусият сифатида уларни банкларда нисбатан узоқ муддат сақланишини кўрсатади.

В.М.Усоскин (2019) тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш масаласини тадқиқ қилар экан, АҚШ банк амалиётида Буюк Депрессиянинг тижорат банкларининг фаолиятига нисбатан салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида жорий этилган жорий депозитларга фоиз тўлашнинг таъқиқланишини муҳим амалий тадбир, деб ҳисоблайди.

Ш.Рузметов (2009) ўзининг Ўзбекистон тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлашга бағишланган номзодлик диссертациясида мамлакат тижорат банкларига талаб қилиб олинadиган депозитлардаги маблағларни муддатли ёки жамғарма депозит счётларига ўтказмасдан туриб кредит ресурси сифатида фойдаланишга рухсат берилганлигини салбий ҳолат эканлигини, яъни баланслашмаган ликвидлик муаммосини чуқурлашишига олиб келишини илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Ш.Ибодуллаевнинг (2023) хулосасига кўра, республикаимиз тижорат банклари томонидан миллий валютада 1 йилгача муддатга жалб қилинган депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасини ошиш тенденциясига эга бўлаётганлиги кредитларнинг баҳосини ошишига олиб келмоқда ва ушбу ҳолат банкларнинг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда илмий таҳлилнинг эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таркибий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқот жараёнида хорижий ва маҳаллий тижорат банкларининг депозит базасига оид бўлган амалий маълумотлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Халқаро банк амалиётида депозитлар тижорат банклари мажбуриятлари ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Тижорат банклари депозит базани бошқаришда асосий эътиборни депозит базанинг етарлилигини таъминлашга ва унинг диверсификация даражасини оширишга қаратишади.

Тижорат банкларининг депозит базасини етарлилигини баҳолашда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан таклиф қилинган методикадан кенг фойдаланилади. Ушбу методикага кўра, тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 30 фоиздан ошмаслиги керак.

Bank of America банки (2024) маълумотларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, биринчидан, Bank of America мажбуриятларининг таркибида депозитлар жуда юқори салмоқни эгаллайди; иккинчидан, депозитларнинг мажбуриятлар таркибидаги салмоғи 2019-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, 2019-2023 йилларда Bank of America банкида таҳлил даврида депозит счётларига жалб этилган маблағлар суммаси ўсиш суръатларини намоён этган. Бу эса, биринчидан, депозитларни муҳим молиявий ресурс эканлигини кўрсатади; банкнинг мижозлар олдидagi репутациясини юқори эканлигидан далолат беради.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Германиянинг йирик тижорат банки бўлган Deutsche Bank депозитларининг даражасига ва унинг ўзгаришига баҳо берамиз.

1-жадвал

Германиянинг Deutsche Bank депозитлари ва уларнинг мажбуриятларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023
Депозитлар, млрд.евро	581	564	603	621	622
Депозитларнинг мажбуриятларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	41,3	44,1	48,0	49,1	50,3

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Deutsche Bank депозитларининг миқдори 2019 – 2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган бунинг устига, депозитларнинг миқдори 2023 йилда 2019 йилга нисбатан юқори суръатда кўпайган. 2019-2023 йилларда Deutsche Bank мажбуриятларининг таркибида депозитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари ва уларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023
Депозитлар, млрд.евро	91	114	156	216	241
Депозитларнинг мажбуриятларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	41,1	37,3	41,8	45,4	43,5

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикаимиз тижорат банклари депозитларининг миқдори 2019-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, депозитларнинг миқдори 2023 йилда 2019 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган. Депозитларнинг мамлакат тижорат банкларининг пасивлари ҳажмидаги салмоғи 2020-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2019 йилга нисбатан 2,4 фоизли пунктга ошган.

Депозитларнинг инвестицион жозибадорлигини белгиловчи асосий омил бўлиб, уларга банклар томонидан тўланадиган фоизларнинг ставкаси ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан миллий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаларига инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръати кучли таъсир кўрсатади.

Хусусан, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг сезиларли даражада юқори бўлиши юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини банкларнинг муддатли депозит ҳисобрақамларига жалб этиш ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.

3-жадвал

Муддатли депозитлар	2020	2021	2022	2023
Миллий валютадаги муддатли депозитлар	16,6	16,3	17,7	18,9
Хорижий валютадаги муддатли депозитлар	4,1	3,5	3,8	4,4

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2021-2023 йилларда Ўзбекистон тижорат банкларининг миллий валютадаги муддатли депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, таҳлил даврида инфляция даражасини ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Тижорат банкларининг депозит базасини бошқариш амалиётини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, депозит базанинг етарлилиги ҳисобланади.

1-расм

ТИФ Миллий банки депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитлар ва муддатли депозитларнинг салмоғи, фоизда



1-расм маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банкида 2020-2023 йилларда депозит базанинг етарлилиги таъминланмаган. Бирок, муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини 2023 йилда 2020 йилга нисбатан юқори суръатда ошганлиги банкнинг депозит базасини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади

Хулоса ва таклифлар

Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тижорат банкларининг депозит базасини бошқариш бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифаларни кўйилмаганлиги тижорат банкларининг депозит базасини бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради;

- капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади;

- тижорат банклари ресурсларининг энг барқарор қисми бўлиб муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлари ҳисобланади;

- иқтисодчи олимларнинг трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланишнинг тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги хусусидаги илмий хулосаси Ўзбекистон банклари учун амалий аҳамиятга эга. Чунки, республикада тижорат банкларида трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб, ресурс сифатида фойдаланиш ҳолати мавжуд;

- Ўзбекистон тижорат банклари депозитларининг миқдори 2019-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, депозитларнинг миқдори 2023 йилда 2019 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган;

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, республикада тижорат банкларининг депозит базасини бошқариш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг инфляциянинг кутилаётган даражасини ҳисобга олган ҳолдаги меъёрий даражасини таъминлаш йўли билан банкларнинг муддатли депозитларга тўланадиган фоизларнинг ставкасини ошириш имкониятини кенгайтириш керак;

Иккинчидан, фоизли даромадлар билан фоизли харажатлар ўртасидаги оқилona нисбатни таъминлаш орқали соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини (4,5%) таъминлаш зарур;

Учинчидан, Марказий банкнинг тижорат банкларининг хорижий валюталардаги муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий заҳира ставкасини, мажбурий заҳира ставкаларини унификациялаш ҳисобидан, пасайтириш йўли билан банкларнинг хорижий валюталардаги депозитларга тўланадиган фоизларнинг ставкасини ошириш имкониятини кенгайтириш лозим.

2. Тижорат банклари депозит базасининг диверсификация даражасини муддатли омонатларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш ҳисобидан таъминлаш учун, биринчидан, инновацион депозит маҳсулотларини (фоиз тўланадиган жорий депозитлар, жамғарма сертификатлари, комбинациялашган депозит) банк амалиётига жорий қилиш керак; иккинчидан, гуруҳ жавобгарлиги асосида берилган кредитларнинг таъминоти сифатида гуруҳ аъзоларининг банкдаги муддатли омонат ҳисобрақамларидаги пул маблағларини қабул қилиш лозим; учинчидан, муддатли омонатларга нисбатан фоизларни капитализация қилиш усулини кенг қўллаш зарур.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. –М.:Альпина Паблишер. 2017.– 1018с.
3. Ларионова И.В. О приведении банковского регулирования в соответствие со стандартами базельского комитета по банковскому надзору (Базель - III) в условиях нестабильной экономической ситуации. Монография. – М.: КНОРУС, 2018. – 190 с.
4. Лаврушин О.И. Краткосрочное кредитование по укрупненному объекту в пределах кредитной линии. – М.:КНОРУС. 2016). – 430 с.
5. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.